

## Идрис алайҳиссалом



12:27 / 16.01.2019 21836

Идрис алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан Одам ва Шис алайҳиссаломлардан кейинги - учинчиси ва Қуръони Каримда зикр қилинган пайғамбарлар ичида Одам Атодан кейингисидир.

Аллоҳ таоло у зот ҳақларида Марям сурасида марҳамат қилиб айтади:

**«...ва Китобда Идрисни эсла. У сиддиқ ва набий бўлган эди. Уни олий мақомга кўтардик» (56-57-оятлар).**

Шунингдек, Анбиё сурасида:

**«...ва Исмоил, Идрис ва Зулкифлни (эсла). Уларнинг ҳар бири сабр қилувчилардандир. Уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир», дейди (85-86-оятлар).**

Қуръони Каримда Идрис алайҳиссалом ҳақларида бундан бошқа маълумот йўқ.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Идрис алайҳиссаломнинг оталарининг исми Ёрид бўлиб, насаблари Шис алайҳиссаломга тўрт авлод орқали етиб боради.

Машҳур тарихчиларимиздан Ибн Исҳоқ раҳматуллоҳи алайҳнинг таъкидлашича, Идрис алайҳиссалом қалам билан ёзув ёзган биринчи одамдир.

Уламоларнинг рожиҳ (кучли) гапларига қараганда, Идрис алайҳиссалом Бобилда таваллуд топганлар.

Аллоҳ таоло у зотга пайғамбарликни берганидан кейин кишиларни Одам ва Шис алайҳиссаломларнинг шариатларига даъват қилганлар. Бироқ у зотнинг даъватларини озчилик қабул қилиб, кўпчилик рад этган. Шунда у зот ўзларига эргашганлар билан Бобилни тарк этиб, ҳижратга чиққанлар. У киши ўз ҳижратлари учун Мисрни танлаганлар ва у ерда яшаган пайтларида одамларни Аллоҳнинг динига даъват қилганлар.

Идрис алайҳиссалом биринчи бўлиб маданий ишларни йўлга қўйганлар. Одамларга маданиятга оид ишларни, қонун-қоидаларни ўргатганлар. У зотнинг даврларида 188 та шаҳар қурилган экан.

Идрис алайҳиссаломнинг ер юзидаги истиқоматлари саксон икки йил бўлган. Сўнг Аллоҳ таоло у зотни «олий мақом»га кўтарган.

Идрис алайҳиссалом ердаги умрларининг охиригача Аллоҳнинг шариати билан ҳукм қилишда бардавом бўлдилар. Албатта, ер юзига пайғамбарларни юборишдан кўзланган мақсад ҳам Аллоҳнинг шариати давом этиши эди. Шундай қилиб одамлар кўпайиб борди ва бир ўлкадан бошқа ўлкаларга ҳижрат қилиш ҳолатлари юз берди.

### ***Халқларнинг кўчиши***

Арабистон яриморолида тобора одам сони кўпайиб, бошқа жойларга кўча бошлашди. У ерлар ҳозирги вақтдаги Ҳижоз диёрлари дея тахмин қилинади. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, мазкур тарихий кўчишлар бир неча тарафларга бўлган.

Биринчиси Арабистон яриморолидан шимоли-шарқий тарафларга – Ироққа бўлган. Кейинчалик бир қанча кишилар Осиё ва Америка тарафларга ҳам

кўчиб кетишган.

Иккинчиси шимолга - Шом тарафга бўлган. Шом тарафга кўчган ушбу жамоалардан бир қанчалари Ўрта ер денгизи атрофидаги минтақаларга бориб жойлашган, деган тахминлар бор.

Учинчи кўчиш жанубий минтақаларга - Яман тарафга бўлган. Кейинчалик бу ердан Африка ва Ҳиндистон томонларга тарқалган.

Инсоният тарихига назар солиб, мулоҳаза қилинадиган бўлса, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло инсониятни ҳидоят қилиш учун юборган набийларнинг кўпчилиги Шом, Ироқ, Миср ва Арабистон яримороли минтақаларидан чиққанлари маълум бўлади. Аллоҳ таоло ўша ерлардаги бандаларидан пайғамбарлар танлаб олган. Шунинг учун иймон-эътиқодли тарихчилар мана шу минтақаларни дастлабки инсон яшаган, обод бўлган минтақалар, деб қатъий ишонишади.

Аста-секин ибтидоий тарзда яшовчи инсонларнинг содда ҳаётлари бир оз тараққий этиб, тамаддун шаклига кира бошлагани ва тараққиёт, ободончилик ҳолатларини кузатиб, бир тўхтамга келган тарихчилар: «Дастлабки тамаддунлар фиръавнлар ва самурийлар тамаддуни бўлган», дейишади. Булар тарихдаги энг қадимги тамаддунлар - цивилизациялардир.

***«Ислом тарихи» китобидан***